

Ziraat Bank Uzbekistan
Кузатув Кенгаши Йиғилишининг
2019 йил 30 январдаги
33-сонли йиғилиш қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН



МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ СИЁСАТИ

ХУЖЖАТНИ КИРИТГАН ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМА НОМИ	Банк амалиётлари ва молиявий мувофиқлаштириш Бошқармаси
КИРИТИЛГАН САНА	30/01/2019
ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ	Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш сиёсати - Банк акциядорлари, Банкнинг юқори органлари, Банк Бошқаруви ва ходимлари ўртасида ва/ёки ўзаро муносабатларида ўртага чиқиши бўлиши мумкин бўлган манфаат тўқнашувларининг олдини олиш билан боғлиқ вазифа ва жавобгарликларнинг тамойилларини белгилайди.
ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ХУЖЖАТ	-
КУЧГА КИРГАН САНАСИ	01/02/2020

ТОШКЕНТ – 2020

I. УМУМИЙ АСОСЛАР

1. Ziraat Bank Uzbekistan Акциядорлик Жамиятининг Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш сиёсати (Сиёсат), Ўзбекистон Республикасининг 05.11.2019 санасидаги 580-сонли Банк тўғрисидаги Қонуни доирасида; Банк акциядорлари, Банкнинг юқори органлари, Банк Бошқаруви ва ходимлари ўртасида, уларнинг ўзаро муносабатларида ва/ёки мижозлар билан боғлиқ банк амалиётлари ва ишларини амалга оширишда келиб чиқиши мумкин бўлган манфаат тўқнашувларининг олдини олиш учун алоқадор вазифа ва жавобгарликларнинг таъминловчи белгиланган мақсадида тайёрланди.
2. Ушбу сиёсат доирасида – манфаат тўқнашувининг турлари, пайдо бўлиш сабаблари, уларни аниқлаш, бошқариш ва барҳам бериш мақсадида Банк томонидан амалга оширилиши тавсия қилинган умумий принциплар ва усуллар, шунингдек чора-тадбирлар механизмларига ўрин берилган.

II. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВЛАРИНИНГ АСОСИЙ ТУРЛАРИ

3. Манфаат тўқнашувлари - алоҳида шахслар ёки органлар ўртасида содир бўлганидек, маълум бир шахснинг иши билан боғлиқ вазифалари ва шахсий манфаатлари ўртасида ҳам келиб чиқиши мумкин. Бундай ҳолатларда ходим/бошқарувчининг совуққонлик билан ўз манфаатларини бир чеккага суриб қўйиб, иш вазифаси билан боғлиқ мажбуриятларини бажариши мақсадга мувофиқ бўлади.
4. Ушбу сиёсат доирасида; қуйида келтирилган асосий манфаатлар тўқнашуви турларига эътибор қаратилган:
 - Банк Бошқарув органлари ва Банк акциядорлари ўртасидаги (маъмурий манфаат тўқнашуви),
 - Бошқарув органлари, ходимлари ва/ёки мижозлар ўртасидаги,
 - Иш берувчи орган сифатида Банк ва ходимлар ўртасидаги ёки расмий вазифаларини бажариш жараёнида Банкнинг алоҳида бўлимлари ўртасидаги.

III. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВЛАРИНИНГ ЎРТАГА ЧИҚИШ САБАБЛАРИ

5. Барча манфаат тўқнашувларида ўз фаоллигини кўрсатган умумий факторлар қуйидагилардир:
 - Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, республикадаги ваколатли органларнинг долзарб норматив ҳужжатлари, Банкнинг ички расмий ҳужжатларига мос ҳаракат қилмаслик,
 - Иш муносабатлари стандартларига ва касбий этика қоидаларига риоя этмаслик,
 - Банк (акциядор, бошқарув органи, ходимлар) ва мижоз томонидан қабул қилинадиган қарорларга таъсир қилувчи маълумотларни тўлиқ ва тўғри шаклда очиб бермаслик ёки хато маълумотни тақдим қилиш.

6. Банк бошқарув органлари ва Банк акциядорлари ўртага чиқиши мумкин бўлган маъмурий манфаат тўқнашувларининг баъзи сабаблари қуйидагилардир:
- Бошқарув органлари томонидан Банкнинг молиявий тизимининг бузилишига сабаб бўлувчи қарорларнинг қабул қилиниши,
 - Акциядор томонидан Банк бошқарув органларининг фикларини инобатга олмасдан катта ҳажмдаги келишув/шартномалар ва ўзининг алоқадор манфаатини кўзда тутувчи амалиётларни/шартномаларнинг амалга оширилиши (тузилиши),
 - Банк бошқарув органлари иштирокчиси бўлган шахсларнинг – бошқа муассасаларнинг бошқарув органларида эгаллаб турган мақомлари, бошқа ширкатларнинг сармоясидаги улушлари ҳақида нотўғри маълумот беришлари,
7. Бошқарув органлари, ходимлар ва/ёки мижозлар ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган манфаат тўқнашувларининг баъзи сабаблари қуйидагилардир:
- Ҳодимлар, мижозлар ва банк манфаатларининг мувозанати принципларига амал қилмасликлари,
 - Банкнинг бошқарув органлари ва/ёки ходимлари томонидан ўз ваколатларини суистеъмол қилишлари,
 - Банк шартномалари (амалиётлари) томонларидан бирининг шартнома доирасидаги ўз мажбуриятларини бажармаслиги,
 - Банк бошқарув органлари томонидан тасдиқланиши зарур бўлган расмийлаштириш ишлари ва банк амалиётларини – уларнинг тасдиқларини олмасдан амалга ошириш (катта ҳажмдаги ишлар, манфаатдор шахслар, акциядорлар ва уларга алоқадор шахслар билан ҳамкорликда амалга ошириладиган ишлар, имтиёзли келишувлар ва бошқалар),
 - Банкнинг зарарига, активлар сифатининг бузилишига, активлар ва пасивлар бошқаруви таъсирининг пасайишига олиб келувчи қарорларни қабул қилиш, маълум хатарларни эътиборсиз қолдириш,
 - Мижоз кўрсатмаларини бажариш билан боғлиқ принципларга амал қилмаслик,
 - Банкнинг ушбу сиёсатининг 18-моддасидаги бандларда келтирилган функцияларни бир ходимга юклаш.
8. Банк ва ходимлар ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган манфаат тўқнашувлари баъзи сабаблари қуйида келтирилган:
- Банк ва мижоз манфаатларининг – шахсий манфаатлардан юқори эканлиги тўғрисидаги принципларга амал қилмаслик, Банк ходимларининг шахсий манфаатлари йўлида расмий вазифаларини суистеъмол қилишлари,
 - Банк фаолиятлари / амалиётларининг бажарилиши жараёнида алоҳида имтиёзлар қўллаш, алоқадор шахслар билан боғлиқ амалиётлар ва катта ҳажмдаги ишларда ваколатлари чегарасидан чиқиш,
 - Банк ходимининг, ушбу банк билан тижорий алоқада бўлган бошқа ширкатда молиявий манфаатларининг мавжудлиги,

- Банк ходимининг - бошқарувчи, мансабдор шахс ёки бошқарув кенгаши аъзоси сифатида бошқа ширкатда ярим ставкада фаолият олиб бориши.

IV. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ БОШҚАРИШ БЎЙИЧА МАСЪУЛ ОРГАНЛАРНИНГ ВАКОЛАТ ВА ВАЗИФАЛАРИ

9. Банк Кузатув Кенгаши:

- Банкнинг манфаатлар тўқнашувини олдини олиш сиёсатини тасдиқлайди,
- Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, белгилаш ва ечимини топиш билан боғлиқ Банк фаолиятини ташкил қилади ва ривожлантиради, барча бошқарув органлари ва банкнинг ташкилий тузилмалари фаолиятларини мувофиқлаштиради,
- Банкнинг алоқадор (учинчи шахслар) шахслари билан алоқадор маълумотларни юрғизиш тартибини назорат қилади,
- Банкга алоқадор (манфаатдор учинчи шахслар) шахслар билан боғлиқ ишлар ва имтиёзли амалиётларнинг - Банкнинг ички лимитлари доирасида амалга оширилиши устидан назорат қилади,
- Манфаатлар тўқнашувининг ечими мақсадида ташкил қилинган махсус хизмат бўлимлари ёки комиссиясини тасдиқлайди.

Банк Кузатув Кенгаши аъзолари, барча турдаги манфаатлар тўқнашувига дуч келмаслик, бундай ҳолатларга дуч келинса бу ҳақида Банк Кузатув Кенгашини ҳабардор қилиш ва бу тўқнашувга барҳам бериш учун керакли чора-тадбирларни амалга ошириш борсида масъулдирлар.

10. Банк Ижро Кенгаши:

- Манфаатлар тўқнашувини бошқариш борасидаги қонунчиликка мос равишда Банк фаолиятини ташкил қилиш ва таъқиб этиш борасида масъулдирлар,
- Манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ Банк сиёсатинининг амалга оширилиши учун керакли жавобгарлик таъмалларини белгилайди,
- Банкнинг ташкилий бўлимлари ва ходимлар жавобгарликларининг тақсимланишини - манфаат тўқнашуви эҳтимолини минимумга тушириш мақсадларига мос равишда амалга оширади,
- Банкнинг алоқадор бошқарувчилари (ташкилий бўлимлари)ни бундай ҳаракатлар тўғрисида ўз вақтида ҳабардор этиш мақсадида - банк амалиётлари ва белгиланган ваколат лимитларидан ошган бошқа ишлар билан боғлиқ ваколатларни тақсимлайди,
- Ўз вазифаси ва ваколатлари доирасида Банкнинг алоқадор ички йўриқномаларини тасдиқлайди, уларга риоя қилинишини устидан керакли даражада назорат олиб борилиши учун зарур шароитларни яратади,
- Манфаатлар тўқнашувининг ечими учун махсус хизмат бўлимлари ёки комиссиясини ташкил қилиш бўйича ўз вақтида қарор қабул қилади.

11. Тафтиш Бўлими:

- Банк ички назорат тизимининг фаоллигини таҳлил қилади ва баҳолайди,
- Молиявий ва амалий фаолиятлар, шунингдек, бошқарув сифатини текширади (Банкнинг барча ташкилий тузилмалари ва ходимлари – ушбу текшиув объекти бўлишлари мумкин),
- Текширув натижалари доирасида Банкнинг ташкилий тузилмалари ва бошқарув органлари томонидан манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида олинган чора-тадбирларнинг таъсирчанлиги ва ишончли эканлигини назорат қилади,
- Манфаатлар тўқнашувини юзага келтирувчи таваккалчилик даражаси ва комбинацияларининг чегараларини белгилаш тўғрисидаги қарорларни, шунингдек, бу қарорларнинг Банк бошқарув органлари томонидан маъқулланганлигини тасдиқлайди,
- Тафтиш натижалари билан боғлиқ ҳисобот ва таклифларини Банк Кузатув Кенгаши, Банк Ижро Кенгаши ва Банкнинг текширув ўтказилган ташкилий тузилмаларига тақдим қилади.

12. Ички назорат Бўлими:

- Текширувлар жараёнида - Банкдаги манфаатлар тўқнашуви ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайди, уларга барҳам бериш ва олдини олиш мақсадида олинган чора-тадбирларнинг самарадорлигини баҳолайди,
- Мижозларнинг мурожаатлари (шикоятлари), назорат тузилмалари ва ташқи назорат идораларининг фикрлари ва тавсиялари асосида олинган чора-тадбирларнинг мослиги ва самарадорлигини баҳолайди,
- Керакли ҳолатларда Банк Кузатув Кенгаши, Банк Ижро Кенгаши ва Банкнинг текширув ўтказилган ташкилий тузилмалари раҳбариятига манфаатлар тўқнашувининг ечими билан боғлиқ таклифларини тақдим қилади,
- Банк ходимлари билан манфаатлар тўқнашувини бошқариш масаласида муҳокамалар ўтказди ва маслаҳатлар беради.

13. Кредит Таваккалчилигини тугатиш ва ҳуқуқий Бошқарма:

- Маҳкама-суд жараёнларида Банк манфаатларини ҳимоя қилади,
- Банк бошқарув органларига манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги ҳуқуқий фикр-қарашларини маълум қилади, маслаҳатлар беради.

14. Хизмат Бўлимлари (Кўриқлаш), Маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш Бўлимлари:

- Бошқарув органлари аъзолари ва ходимлар томонидан банк ва мижозлар тўғрисидаги банк ва/ёки тижорий характердаги маълумотларнинг ошкор қилинмаслиги учун керакли шарт-шароитларни таъминлайди,
- Банкнинг ташкилий тузилмалари билан биргаликда, махвий маълумотлардан шахсий мақсадлар йўлида фойдаланганлик ҳолатларини аниқлайди ва ҳуқубузарларга тегишли чоралар кўради,

- Банкда юқори лавозимга тайинладиган номзодлар тўғрисидаги маълумотларнинг тўғрилигини текширади,
 - Ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари билан муносабатлар ўрнатади ва қўллаб-қувватлайди.
15. Банк ходимлари; Банкдаги лавозимлари, вазифалари ва жавобгарликлари доирасида, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, келиб чиқиш сабабларига барҳам бериш мақсадида ушбу Сиёсат таъмалларига, Банкнинг ички қонун-қоидаларига ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мос равишда фаолият олиб боради.

V. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ

16. Самарали корпоратив бошқарувни таъминлаш ва Банкнинг тижорат обрўсини ҳимоя қилиш мақсадида, Банк раҳбарияти ва ходимлари манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга ҳаракат қилишлари ва зарур бўлганда уларни тезкор ҳал этишлари лозим.
17. Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш учун Банкнинг бошқарув органлари ва ходимлари томонидан амалга оширилиши зарур бўлган чоралар қуйидагилардан иборат:
- Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва қоидаларига, тартибга солувчи муассасалар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, Банк тўғрисидаги низомга ва Банкнинг ички қонунларига риоя қилиш;
 - Иш алоқалари билан боғлиқ нормаларга ва касбий этика қоидаларига риоя қилиш,
 - Шахсий ва Банкнинг манфаатларига зид келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан узоқ бўлиш,
 - Банк фаолияти билан боғлиқ маъмурий қарорлар қабул қилишда ва бошқа маъмурий жараёнларда акциядор, Банк Кузатув кенгаши, Ижро Кенаши, қўмиталар ва комиссиялар ва бошқа банк раҳбарлари ўртасида функционал вазифаларни тақсимлаш;
 - Банк ходимлари билан тузиладиган шартномаларда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиниши билан боғлиқ мажбуриятларнинг киритилишини таъминлаш,
 - Активлар хавфсизлигининг таъминланишини ҳам ўз ичига олган активлар ва пасивларни самарали бошқарувини таъминлаш,
 - Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига мувофиқ равишда ошкор қилиниши зарур бўлган ва Банк (унинг акциядорлари, бошқарув органлари, ходимлари) ва мижозлар томонидан қабул қилинадиган қарорларга таъсир қилиши мумкин бўлган маълумотларни (шу жумладан бухгалтерия ҳисоби ва нашр этилишини режалаштирилган ҳисоботларни) ўз вақтида ва тўғри ҳолатда таъминлаш;
 - Кўп қаватли ич назорат тизимининг фаол ишлашини таъминлаш,
 - Банк томонидан имзоланган шартнома (амалиёт) шартларига амал қилиш,
 - Мижозлар хоҳиш-истакларини амалга оширишда назорат устиворлигини таъминлаш,

- Барча амалиётлар (битимлар), шу жумладан алоқадор шахслар билан тузилган битимлар ва имтиёзли битимлар бўйича тегишли операциялар учун белгиланган чекловларга риоя қилиш.
 - Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Банк Устави доирасида катта ҳажмдаги келишувлар ва тасдиқланиши лозим бўлган бошқа амалиётлар учун белгиланган тартибда Банк Бошқарув органининг тасдиғини олиш,
 - Банкнинг молиявий зарарига, Банк мол-мулкнинг сифатинининг бузилишига, активлар ва пасивлар бошқарув фаоллигининг пасайишига олиб келувчи қарорларни қабул қилишдан ва ўрнатилган банк таваккалчилиги лимитларини эътиборсиз қолдиришдан эҳтиёт бўлиш,
 - Барча банк (таваккалчиликларини) хатарларини, шу жумладан тижорат обрўсини йўқотиш таваккалчиликларини самарали бошқари,
 - Банк билан боғлиқ бўлган (манфаатдор) шахслар ва Банк акциядорлари, шунингдек Банк акциядорларига алоқадор бўлган манфаатдор шахслар билан боғлиқ маълумотларнинг ҳисобини юритиш;
 - Мижознинг аниқ хатоси (амалиёт фомаси, ариза ва/ёки мижоз томонидан имзоланадиган бошқа ҳужжатлардаги хатоликлар) бўлса, ходимларнинг бундай вазиятдан ўз шахсий фойдалари йўлида фойдаланиб қолишига йўл қўймаслик (Мижоз томонидан тақдим қилинган формада бундай ҳато бўлса, Банк ходими, ҳатоли амалиёт содир бўлишининг олдини олиши ва мижозни ушбу ҳолат тўғрисида ҳабардор қилиш учун керакли чораларни кўриши лозим),
 - Ўзи ишлаётган тизим раҳбарига, манфаатлар тўқнашуви келиб чиқиши мумкин бўлган ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида маълумот бериши,
 - Мижозга хизмат кўрсатган Банк ходими ёки унинг оила аъзоларининг ушбу мижоз билан ораларида қайтариб бўлмайдиган даражадаги молиявий манфаатлари мавжуд бўлса, Банк ходимининг ушбу ҳолат тўғрисида ўз раҳбарига ёзма равишда маълум қилиши,
 - Бошқа ширкатда ярим ставкада ишлаш нияти бўлгудек бўлса, аввало бу ҳақида Инсон манбаалари Бошқармасига ҳабар бериши ва таклифнинг Банк манфаатлари билан тўқнаш келмаслигининг аниқланиши,
 - Шахсий маълумотлар билан бир қаторда вазифаси, тижорий ва банк билан боғлиқ сирларнинг хавфсизлигини таъминлаш.
- 18.** Банк бошқаруви, ходимлари ўртасида вазифаларнинг тақсимланишини - Банк ва/ёки мижоз учун салбий оқибатларни келтириб чиқарадиган манфаатларлар тўқнашувининг олдини олувчи, шунингдек, бундай ҳолатларга сабаб бўлмайдиган, қонунбузарликларни содир этмайдиган ва бошқа ҳуқуқбузарлик фаолиятларига йўл қўймайдиган шаклда ташкил этмоғи лозим. Қуйида келтирилган моддаларнинг ҳар бирида баён қилинган барча жавобгарликларни - Банкнинг битта бўлимига ёки битта ходимга юклатилиши мақсадга мувофиқ эмас:

- Банк амалиётлари ва бошқа ишларни бажариш, уларнинг ҳисоб ва бухгалтерия ҳисобларини юритиш,
 - Фонд тўловларини тасдиқлаш ва амалга ошириш,
 - Банк мижозларининг ҳисоб амалиётларини ва Банкнинг (ўзининг) молиявий ва иқтисодий фаолиятларига алоқадор ҳисоб амалиётларини юритиш,
 - Манфаатлар тўқнашувини келиб чиқиши мумкин бўлган бошқа соҳаларда фаолият олиб бориш.
19. Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мавзуси борасида ушбу бўлимда келтирилган чора тадбирларнинг – бажарилиши мумкин бўлган барча ҳаракатларни қамраб олмаслиги боис, ҳар бир ҳолат учун махсус чора тадбирлар олиниши мумкин.

VI. ЭНГ КЎП МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ ҲОЛАТЛАРНИ АНИҚЛАШ

20. Манфаатлар тўқнашуви ҳолатини аниқлаш бўйича ишлар - Банкнинг барча ходимлари ва бошқарув органлари томонидан стандарт фаолиятлари доирасида, мазкур ҳужжатнинг V. Бўлимида келтирилган чора-тадбирлар асосида амалга оширилади.
21. Бир ходим ва/ёки Банк бошқарув органининг бир аъзоси манфаатлар тўқнашувига алоқадор бирор бир маълумотга эга бўлгудек бўлса, бу ҳақда дарҳол ўзига алоқадор раҳбар ходимнинг хабар бериши борасида масъулдир.
22. Алоқадор томон, келиб чиқиши мумкин бўлган манфаат тўқнашинувларини мустақил равишда ўрганиб чиқиши лозим. Манфаатлар тўқнашувининг ҳажми бир раҳбар ходимнинг ваколатларидан юқори бўлса, мазкур ҳолат - Банкнинг ваколатли бўлимлари (тизим/хизмати) томонидан кўриб чиқилади.
23. Манфаат тўқнашинувларини аниқлаш учун барча ёзма ҳужжатлар Банк томонидан сақланиб борилиши зарур. Келган ёзма ҳужжатлар манфаатлар тўқнашувини тасдиқлагудек бўлса (масалан, Банкнинг ноқонуний фаолиятлари тўғрисидаги маълумот ёки мижозлар/акциядорлар ҳақ-ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ шикоятлар), бундай ёзма ҳужжатлар Бош Директорнинг эътиборига ҳавола қилинади.
24. Тафтиш, Ички назорат, Банк Тафтиш Кенгаши ва ташқи тафтиш идоралари томонидан ўтказилаётган текширувлар жараёнида манфаатлар тўқнашуви аниқлангудек бўлса, бундай маълумотлар Бош Директорнинг эътиборига ҳавола қилинади.
25. Банк Ижро Кенгаши аъзолари билан боғлиқ манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари келиб чиқгудек бўлса, бундай маълумотлар ҳам Бош Директорнинг эътиборига ҳавола қилинади.
26. Банк Кузатув Кенгаши аъзолари билан боғлиқ манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари келиб чиқгудек бўлса, бундай маълумотлар Банк Кузатув Кенгаши Раисининг эътиборига ҳавола қилинади.

VI. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ ЕЧИМИ

- 27.** Банк бошқарув органлари ва ходимлари – манфаатлар тўқнашувидан энг кўп манфаатдор бўлган шахсларни ушбу жараёнга яқинлаштирмаслик, Банк, акциядорлар ва мижозларнинг шахсий манфаатларини ҳимоя қилиш, манфаатлар тўқнашувини маҳкама даъвоси даражасигача олиб чиқмаслик учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва қонунчилик доирасида рухсат берилган усуллардан ечим сифатида фойдаланадилар.
- 28.** Манфаатлар тўқнашуви билан алоқадор маълумотлар келиб тушган ҳолатларда – алоқадор бўлим (тизим, хизмат) раҳбари аввало манфаатлар тўқнашуви ҳолатининг мавжудлигини аниқлаш, сабабларини ўрганиш ва манфаатлар тўқнашувининг ечими топиш учун масъул ходимларни тайинлаш мажбуриятини оладилар.
- 29.** Банк тузилмаси доирасидаги манфаатлар тўқнашувини Банк ходимлари ва/ёки раҳбарияти томонидан мустақил равишда бартараф этиш имконияти бўлмаса – Банк Бош Директори ёки манфаатлар тўқнашуви соҳаси бўйича масъул Бош Директор Ўринбосарига, манфаатлар тўқнашуви, сабаблари ва ечим йўллари билан алоқадор чора-тадбирлар ҳақида маълумотлар тақдим қилинади.
- 30.** Банкка манфаатлар тўқнашувини тасдиқловчи хат (ёзма ҳужжат) келгудек бўлса, Банк Бош Директори ёки манфаатлар тўқнашуви соҳаси бўйича масъул Бош Директор Ўринбосари манфаатлар тўқнашувига аниқлик киритиш ва ечимини топиш бўйича масъул ходимларни вазифаларга тайинлайди.
- 31.** Манфаатлар тўқнашувининг ечимини топиш бўйича масъул ходим ва ходимлар; Кредит таваккалчилигини олдини олиш ва Ҳуқуқ Бўлими, Тафтиш ва Ички назорат Бўлимлари билан ҳамкорликда манфаатлар тўқнашувининг ечимига алоқадор тавсияларини тайёрлайдилар.
- 32.** Манфаатлар тўқнашувининг ечими билан алоқадор муносиб деб топилган таклифлар – Банк бошқарув органларига тасдиқ учун тақдим қилинади.
- 33.** Банк Ижро Кенгаши ва унга боғлиқ бошқарув органлари томонидан Манфаатлар тўқнашувининг ечимини топиш имконияти бўлмаса, Банк Бош Директори томонидан Банк Кузатув Кенгашига мазкур ҳолат билан боғлиқ маълумот тақдим қилинади. Кузатув Кенгаши Раисининг қарори асосида манфаатлар тўқнашуви ва ечими билан боғлиқ масала – Банк Кузатув Кенгаши йиғилишида муҳокама қилиниши мумкин.
- 34.** Банк Кузатув Кенгаши; Банк Ижро Кенгаши ва Бошқарма Бошлиқлари ўртасидаги, шунингдек, Кузатув Кенгаши аъзолари ва акциядорлар ўртасидаги манфаат тўқнашувларининг ечими учун махсус комиссия ташкил қилиши мумкин.
- 35.** Манфаатлар тўқнашувига суд-маҳкама орқали ечим топишдан бошқа имконият қолмаган бўлса, тўқнашув томонлари, Банк жойлашган ҳудуддаги маҳаллий маҳкамага мурожаат қилишлари мумкин.
- 36.** Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида кўрилган барча чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотлар – тўқнашув билан алоқадор барча томонларга тақдим қилинади.

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

Манфаат тўқнашувини келтириб чиқарувчи барча факторлар, шунингдек, ушбу ҳолатнинг олдини олиш билан боғлиқ равишда ушбу Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш Сиёсатида тилга олинган чора-тадбирлар, мазкур ҳужжат билан чегараланиб қолмайди. Ҳар бир алоҳида ҳолат учун, манфаатлар тўқнашувининг хусуиятларига (турига) қараб бошқ факторларнинг кун тартибига олиниши ва бошқача чора-тадбир ва усуллар қўлланилиши мумкин.

Банк; келиб чиқиши мумкин бўлган манфаат тўқнашувларининг олдини олиш учун барча чора-тадбирларни кўриш мажбуриятини олади.

Ушбу Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш Сиёсати – барча ходимларнинг эътиборига тақдим қилинади ва улар мазкур ҳужжатга амал қилиш борасида масъул ҳисобланадилар.

Бошқарув раиси



Эмин Чубикжи

Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари




Умаралиев Ё.М.

Бошқарув раисининг ўринбосари



Зафер Жонпўлат

Бошқарув раиси ўринбосари



Эврен Ашан

Бошқарув аъзоси

Сабиров Х.Х.

Бошқарув аъзоси



Тигай Т.Э.